

01/22-ПА- сонли ШАРТНОМА

Тошкент ш.

2 декабрь 2022 й.

Харид комиссиясининг (22120012194763-сонли лот бўйича 2022 йил 29 ноябрдаги баённома) қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги “Таъминот ва логистика хизмати” давлат унитар корхонаси номидан, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, Устав асосида фаолият юритувчи директор Б.Исламов, бир томондан ва, ЯТТ “Gulamov Rashid Xurshidovich” номиан, кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади, Р.Гулямов иккинчи томондан, шунингдек, шартномада “томон” сифатида алоҳида ва биргаликда “томонлар” деб юритилади, ушбу шартномани қўйида келтирилганлар бўйича туздилар:

I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Ижрочи» ушбу шартноманинг 2.1-бандида кўрсатилган хизматларни сифатли ва ўз муддатида бажаришни, “Буюртмачи” эса бажарилган ишларни ўз вақтида қабул қилиш ва хизмат ҳақи тўловларини амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

II. ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ

2.1. «Ижрочи» "Президент арчаси" тадбири ўтадиган "Томоша" болалар театр студияси ва унинг худудини безатиш ишларини мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ бажаради.

2.2. Хизматлар бўнак тўловлари амалга оширилган кейин 2022 йилнинг 28 декабрь кунигача бажарилиши лозим.

2.3. «Ижрочи» ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб, шартнома шартларига мувофиқ бўлган хизматларни кўрсатишни бошлаш ҳукуқига эга бўлади.

III. ШАРТНОМАНИНИГ УМУМИЙ МИҚДОРИ ВА ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

3.1. “Ижрочи” томонидан мазкур шартнома бўйича кўрсатадиган хизматларининг умумий миқдори **198 000 000,00 (бир юз тўқсон сakkiz миллион) сўмни** ташкил этади.

3.2. Кўрсатиладиган хизматлар учун тўловлар “Буюртмачи” томонидан пул кўчириш йўли билан “Ижрочи” нинг банк ҳисобварағига ўтказилади.

3.3. Мазкур шартнома имзолангандан кейин 15 (ўн беш) кун ичида «Буюртмачи» кўрсатиладиган хизматлар умумий миқдорининг 30 фоизини бўнак тарзида олдиндан “Ижрочи”га тўлайди.

3.4. Тўловнинг қолган 70 фоиз миқдори “Ижрочи” томонидан хизматлар тўлиқ кўрсатилиб, ҳисоб-фактуралар ва бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари тақдим этилгандан кейин, “Буюртмачи” томонидан 30 (үттиз) календар куни ичида тўлаб берилади.

IV. ХИЗМАТЛАР СИФАТИ

4.1. Бажарилган хизматлар сифати харид хужжатларида белгиланган талабларга мос келиши лозим.

V. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. «Ижрочи» қўйидагиларга мажбур:

“Буюртмачи”га ушбу шартномада белгиланган муддат ва шартларга мувофиқ хизматларни бажариш;

мазкур шартномада асосида қабул қилинган шартнома мажбуриятларига амал қилиш.



5.2. «Буюртмачи» мазкур шартномада белгиланган шартларга мувофик, хизматларни қабул қилиш ва ўз муддатида тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

VI. ХИЗМАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

6.1. Хизматлар (бажарилган ишлар) “Ижрочи” вакили иштирокида расмийлаштирилган қабул қилиш-топшириш далолатномаларига мувофик “Буюртмачи” вакили томонидан қабул қилинади.

VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. “Ижрочи” хизматларни бажаришни кечикитирса ёки умуман бажармаса, ҳар бир кечикирилган қун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисми микдорининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий микдори мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўловларини тўлаш шартномавий мажбуриятларни бажаришдан озод қilmайди. Бу ҳолда, “Буюртмачи” бир томонлама шартномани бекор қилиши мумкин бўлади.

7.2. Агар кўрсатилган хизматлар танлов хужжатларида белгиланган шартларга, сифат жиҳатидан, қонунчиликда ёки ушбу шартномада ўрнатилган бошқа мажбурий шартларга жавоб бермаса, “Буюртмачи” “Хизмат”ни (Бажарилган ишларни) қабул қилишни ва ҳақини тўлашни рад қилишга ҳақли, бундай ҳолатда “Ижрочи” “Буюртмачи” га рад этилган хизмат қийматининг 20 фоиз микдорида жарима тўлайди ва танлов хужжатларида кўрсатилган шартлар ва ушбу шартномада ўрнатилган бошқа мажбурий шартларга жавоб берадиган тарзда тўлиқ хизматни (бажариладиган ишларни) амалга ошириши керак.

7.3. “Буюртмачи” хизмат (бажарилган ишлар) учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаса, “Ижрочи”га кечикирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фоиз микдорида пеня тўлайди, лекин пеня микдори кечикирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан кўп бўлмаслиги лозим.

7.4. Ушбу шартнома ёки у билан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.5. Агар томонлар ўзаро келишолмаса, шартнома бўйича келиб чиқадиган низолар жавобгарнинг жойлашган Иктиносий ишлар бўйича судида, Ўзбекистон Республикаси қонунчилига мувофик кўриб чиқилади.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

8.1. Томонлар:

- уларнинг аффилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши қурашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характеристига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-харакатлари/харакатсизликларини содир этмайдилар.

- уларнинг аффилланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни бегараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-харакатларни/харакатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

8.2. Томонда ушбу шартноманинг 8.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу хақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан қурашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад



этис бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланли органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ФАВҚУЛОТДА ВАЗИЯТЛАР

9.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор ҳолатлар) натижасида, яъни томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, кургоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини қўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда, томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

X. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

10.1. Ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва томонлар ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қиласди.

10.2 Мазкур шартнома, агар бир томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган бўлса, ушбу шартнома томонларнинг келишуви билан ёки томонларнинг бирининг талабига биноан бир томонлама тартибда бекор қилиниши мумкин.

10.3. Ушбу шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.4. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш, қўшимчалар ва иловалар фақат ёзма равишда тузилган ва ҳар икки томон томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

10.5. Ушбу шартнома иккита ҳақиқий нусхада тузилган.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

“БУЮРТМАЧИ”

“Таъминот ва логистика хизмати” ДУК

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 13-мавзе, 49Б-уй
Банк: “Ипотека банк” АТИБ Мехнат ф-ли
х/р 2021 0000 0055 8712 8001, МФО 00423
ИНН 310 014 790, ИФТК (ОКЭД) 49410
Тел.: +998 (55) 501-33-53




Директор

Б.Р.Исламов

“ИЖРОЧИ”

ЯТТ “Gulamov Rashid Xurshidovich”

Манзил: город Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Отакоджаев дом 2.
Банк: АТИБ-ИПОТЕКА БАНК
ЮНУСОБОД ФИЛИАЛ
Х/р: 20218000600800134001
ИНН: 440459805 МФО: 00837
Тел.: +998971313135



Директор

Р.Гулямов

2022 йил 2 декабрдаги
01/22-ПА-сонли шартномага
ИЛОВА

**"Президент арчаси" тадбири ўтадиган "Томоша" болалар театр студияси ва
унинг ҳудудини безатиш ишлари учун қўйиладиган
ТАЛАБЛАР**

№	Хизмат тури
"Томоша" болалар театр студиясининг ташқи қисми учун	
1	Тадбир ўтадиган бинонинг кўча қисмига 8 метрлик арча ўрнатиш
2	Ўрнатилган арчани зарлар, грилянда (зарли гулчамбар)лар ва ўйинчоқлар билан безаш
3	Катта арчани ушлаб туриши учун тагига 1000 кг кум ва тагини янги йил байрами акс этган баннер билан ўраш
4	Тадбир ўтадиган бинонинг ташқи томонига ҳамда ички қисми зиналарига безак (ветка)лар ўрнатиш
5	Бино ва унга туташ бинонинг ташқи қисмини янги йил байрамига мос баннерлар билан безаш
6	Бинонинг ташқи қисмидаги зинага 2100 сантиметрли 15 та оч яшил рангли арча ўрнатиш ва уларни ўйинчоқлар билан безаш
"Томоша" болалар театр студиясининг кириш (ФОЙЕ) қисми учун	
7	Томоша театрининг фойе қисмига 1 дона 4 метрли арча ўрнатиш ва арчани зарлар, грилянда (зарли гулчамбар)лар ва ўйинчоқлар билан безаш
8	Фойега ўрнатилган арчани атрофини хавфсизлик учун ўраб чиқиш, тагига совға макетларини қўйиш
9	Фойе учун 1 дона арава тортиб кетаётган кийиклар макети
10	Фойедаги 10 та деразалар пардаларни тепа қисмига янги йил гулчамбарлари (ветка тақиши)
"Томоша" болалар театр студиясининг катта фойе қисми учун	
11	20 та 2100 сантиметрли ўйинчоқлар билан безатилган оқ арча ўрнатиш
12	Янги йил тасвирлари акс эттирилган 2 та расмли парда ўрнатилган Фотосессия ҳудуди ташкил қилиш
13	Байрам томошаси сценарийсининг мавзусига мос равишда 2 дона робот макети
"Томоша" болалар театр студиясининг саҳна қисми учун	
14	Саҳнанинг олди қисмини янги йил гулчамбарлари (ветка) ва ўйинчоқлар билан безатиш

“БУЮРТМАЧИ”

“ИЖРОЧИ”

“Таъминот ва логистика хизмати” ДУК

ЯТТ “Gulamov Rashid Xurshidovich”



Директор

Б.Р.Исламов



Директор

Р.Гулямов